

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВА НАФИСА ЗАФАРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛАМНИНГ
ФРАЗЕОЛОГИК МАНЗАРАСИДА ГЕНДЕР
КОНЦЕПТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик, таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
филологических наук (DSc)**

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Насруллаева Нафиса Зафаровна

Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида
гендер концептларининг шаклланиши 3

Насруллаева Нафиса Зафаровна

Формирование гендерных концептов в английской и узбекской
фразеологических картинах мира 31

Nasrullaeva Nafisa Zafarovna

The formation of gender concepts in the English and Uzbek
phraseological world vision 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

НАСРУЛЛАЕВА НАФИСА ЗАФАРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛАМНИНГ
ФРАЗЕОЛОГИК МАНЗАРАСИДА ГЕНДЕР
КОНЦЕПТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилшунослик, таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.DSc/Fil31 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Маматов Абдимурод Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Рахимов Ғанишер Худойқулович
филология фанлари доктори, доцент

Сюй Хун
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871)246-08-62; (99871)227-10-59; факс: (99871)246-65-24; e-mail:nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел.: (99871)246-08-62.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О. Назирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири фразеологик бирликларнинг гендер хусусиятлари ва гендер концептларининг умумий ҳамда миллий-маданий ўзига хос жиҳатларининг илмий тадқиқини амалга оширишдан иборатдир. Турли тиллар фразеологик захирасида фаол бўлган гендер ҳодисаларининг моҳиятини ва уларнинг лисоний воқеланишини таъминловчи омилларга (ёши, ташқи қиёфаси, оилавий мавқеи, ижтимоий-касбий мақоми, турмуш тарзи, интеллектуал қобилияти) нисбатан тавсифлаш, ушбу ҳодисалар концептуаллашув жараёни механизмлари ҳаракат майдонини чегаралаш, гендер концептларининг шаклланиши ҳамда дискурс матнларида фаоллашувига туртки берадиган лисоний (лексик-грамматик) ва нолисоний (этномаданий, тарихий-этимологик) омилларни аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий марказларида гендер ҳодисасига кенг миқёсда эътибор қаратилиб, когнитив тилшунослик, лингвомаданият-шунослик, маданиятлараро мулоқот йўналишлари доирасида эркак ва аёлларнинг турли мулоқот муҳитларида кечадиган коммуникатив ҳаракатларида намоён бўладиган омиллар тавсифи, гендер муносабатларининг инсон нутқий фаолиятидаги ролини аниқлаш, турли тиллардаги гендер кўрсаткичли бирликларни қиёсий-чоғиштирма таҳлил қилишнинг назарий-методологик тамойилларини белгилаш ҳамда гендер ҳодисасини инсон лисоний тафаккур фаолияти, миллий менталитет нуқтаи назаридан мажмуавий кўринишда изчил тадқиқ этиш муаммоси янада долзарблашмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олам лисоний манзарасида акс топаётган гендер хусусиятларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, жинс тенгҳуқуқчилиги, барча фуқаролар эркинлиги тамойиллари ҳукмрон бўлган мамлакатимизда эркак ва аёл жинсларига оид фуқароларнинг жамиятдаги ролини бирхилда ва биртекис таъминлаш масаласи давлат сиёсатида айланган. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар тил тизими бирликлари воситасида воқеланади, нутқий фаолиятда ўз ифодасини топади. Инчунин, муносабатлардаги фарқларда гендер кўрсаткичлари ўз аксини топади ва, айти пайтда, улар гендерга оид ҳамда миллий-маданий меъёрлар ва қоида-қонуниятлар асосида шаклланади. Тилнинг фразеологик захираси, шак-шубҳасиз, миллий маданиятнинг ажралмас қисми, унинг бойлигини намоён қилувчи кўзгусидир. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик тизимининг қиёсий тадқиқи ўзбек фразеологияси негизида турган бой миллий маданиятимиз дурдоналарини, юксак инсонпарварлик намуналарини дунё аҳли эътиборига тақдим этиш имконини беради. Бу мақсадни амалга ошириш учун фундаментал тадқиқотлар истиқболини жаҳон фани ютуқлари даражасида белгилаш лозим бўлади. Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга

киритилгани тасодифий эмас».¹ Истиқболда кўзланаётган мўлжал инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик тизимида гендер концептларининг шаклланиш тамойиллари ва нутқий фаоллашув хусусиятларининг чоғиштирма таҳлилига бўлган заруратни кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар бажарилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмийтадқиқотлар шарҳи². Гендер лингвистикаси соҳасида турли йўналишларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Cambridge University, Oxford University, Edinburgh University, London Metropolitan University (Буюк Британия); Harvard University, New York University, Yale University, Stanford University, Rutgers University, Chicago University (АҚШ); Toronto University (Канада); Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Москва давлат университети, Москва давлат лингвистика университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия); Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институтида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Жаҳонда амалга оширилган гендер тадқиқотлар бўйича жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: оламнинг лисоний манзарасида

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 171.

² Шарҳ қуйидаги манбалар асосида амалга оширилган: <http://www.edu.uz>; britishcouncil.org; internauka.ru; educationusa.info; philology.ru; rusnauka.com; americanenglish.state.gov ва бошқалар.

андромарказийлик ҳукмронлиги ва аёл образининг камситилиши асосланган (New York University, АҚШ); гендер ҳодисасининг грамматик тизим, яъни гап структураси ва морфологик категориялар фаоллашуви билан алоқаси аниқланган (Yale University, АҚШ); коммуникатив муносабатларда гендер функцияси ажратилган (Toronto University, Канада); феминистик лингвистиканинг лексик сатҳдаги асослари ишлаб чиқилган (Chicago University, АҚШ); гендер лингвистиканинг ривожланиш динамикаси ва босқичлари чегараланган (Oxford University, Буюк Британия); гендер муносабатларининг жамиятдаги ўрни алоҳида тадқиқ қилинган (Rutgers University, АҚШ); тил бирликларида гендер кўрсаткичларининг табиати очиб берилган (Cambridge University, Буюк Британия); коммуникациянинг асосий омили сифатида гендернинг роли алоҳидалиги исботланган (Москва давлат лингвистика университети, Россия); мулоқот шахсининг жинси ва ёши билан боғлиқ равишда унинг нутқий хулқ-атворини моделлаштириш методикаси ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия); гендер терминлари шаклланишининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари аниқланган (Ўзбекистон Миллий университети); инглиз ва ўзбек фразеологик ва паремиологик бирликлари материалида гендер концептлар шаклланиш жараёнининг моҳияти очиб берилган (Самарқанд давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон).

Жаҳонда тил тизими ҳодисаларини гендер хусусиятларнинг фаоллашуви нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: гендер атамаларининг лексик-семантик ва мавзувий таснифини умумий тилшуносликка сингдириш; нутқий мулоқот кечишининг гендер омилларини психолингвистик ва социолингвистик нуқтаи назардан ёритиш; тил воситаларидан фойдаланишда жинсга оидликнинг таъсири ҳамда уни шартловчи меъёрларни фарқлаш; турли тилларда гендер кўрсаткичли бирликлар гуруҳларининг лисоний-маданий хусусиятларини қиёсий-чоғиштира таҳлил қилиш. Шунингдек, гендер белгиларининг бадий асар стилистик тузилишида акс этиш даражаси каби хусусиятларини, инглиз тили луғат заҳирасининг янги гендер белгили касбий терминлар ҳисобидан кенгайтиш даражасини аниқлаш ва кузатишдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Р.Лакофф³нинг олам лисоний манзарасида андромарказийликни (эркакка йўналтирганлик ва аёл образининг камситилиши) асослаб берган асарлари гендер тадқиқотларнинг ривожланишига тurtки берди. Улар орасида Е. Baron Dennis, Biemans Monique, Cameron Deborah, Christie Christine, King Ruth, Lakoff George, O'Barr William and Atkins Bowman, S. Romaine, D. Tannen, Thorne Barrie⁴нинг асарлари муҳим ҳисобланади.

³ Lakoff Robin. Language and Woman's Place. – New York: Harper and Row, 1975. – 372 p.

⁴Baron Dennis E. Grammar and Gender. – New Haven: Yale University Press, 1986. – 212 p.; Biemans Monique. Gender Variation in Voice Quality. – Utrecht: LOT, 2000. – 175 p.; Cameron Deborah. Gender, language and discourse: a review essay. // Journal of Women in Culture and Society, 1998. – № 23. – P. 945-973; Christie Christine. Gender and Language: Towards a Feminist Pragmatics. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2000. – 386 p.; King Ruth (ed.) Talking Gender: A Guide to Nonsexist Communication. – Toronto: Copp Clark Pitman,

Тилдаги гендер омиллар рус тилшунослари–гендерологлар⁵ О.А.Васькова, М.Д.Городникова, Е.И.Горошко, Д.О.Добровольский, И.В.Зыкова, А.В.Кирилина, В.А.Никольская, В.В.Потапова, В.Н.Телия, И.И.Халеева ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Уларнинг илмий ишларида гендер тил маданиятининг асосий концепти, тилнинг коммуникатив функциялари хусусиятларини ифодалаш омили сифатида ўрганилди. Е.И.Горошко бевосита кузатиш ва моделлаштириш, ёзма матнлар таҳлили, эркин ассоциатив эксперимент усулларида фойдаланган ҳолда нутқий хулқ-атворга нафақат жинс, балки ёш, маълумот даражаси ва ижтимоий фаоллик кўлами ҳам таъсир қилишини исботлади. Лингвистик гендерологияда кўп босқичли таҳлил стратегиясини В.В. Потапов ишлаб чиққан. Д.О.Добровольский ва А.В.Кирилиналар ҳамкорлигида ёзилган илмий ишда лингвистик гендерология муаммолари батафсил ва тизимли таҳлил қилинди ҳамда муаллифлар ўрганилаётган материални концептуал ва методологик жиҳатдан табақалаштиришнинг бешта асосий йўналиши мавжудлиги ҳақида хулосага келдилар. В.Н.Телия ўзининг монографиясига рус фразеологиясида «аёл» маданий концептининг акс этишига оид бўлимни киритди. А.В.Кирилинанинг докторлик диссертациясида рус паремиялогиясида гендер стереотиплари муаммоси кўтарилди.

Когнитив ва гендер лингвистика муаммолари ўзбекистонлик олимлар А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, А.Э.Маматов, М.И.Расулова, Ш.С.Сафаров, Р.Х. Ширинова, Ў.К.Юсупов, Ж.А.Ёқубов, И.М.Тухтасинов, Г.И.Эргашева, Д.Агзамова, Г.Ш.Атаханова, М.Р. Галиева, А.А. Морозова, М.К. Халикова⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилди.

1991. – 324 p.; Lakoff George. *Women, Fire and Dangerous Things: What Categories Reveal About the Mind.* – Chicago: University of Chicago Press, 1987. – 614 p.; O'Barr William M. and Atkins Bowman K. «Women's language» or «powerless language»? – In McConnell-Ginet, Borker and Furman, 1980. – P. 93-110; Romaine S. *Communicating Gender.* – London: Oxford University Press, 1999. – 247 p.; Tannen D. *You just don't understand. Women and men in conversation.* – New York, 1990. – 212 p.

⁵Васькова О.А. Гендер как предмет лексикографического описания (на материале фразеологии). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 21 с.; Городникова М.Д. Гендер в коммуникативной интеракции // *Гендер: язык, культура, коммуникация: Доклады второй Международной конференции.* – Москва: МГУ, 2002. – С.70–76; Горошко Е.И. Особенности мужского и женского стиля письма // *Гендерный фактор в языке и коммуникации: Сб. науч. тр. МГЛУ. Вып. 446.* – Москва, 1999. – С. 44–60; Добровольский Д.О., Кирилина А.В. Феминистская идеология в гендерных исследованиях и критерии ее научности. // *Гендер как интрига познания.* – Москва: Рудомино, 2000. – С. 19-35; Зыкова И.В. Гендерный компонент в структуре и семантике фразеологических единиц современного английского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: МГУ, 2002. – 219 с.; Кирилина А.В. Гендерные аспекты языка и коммуникации: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2000. – 40 с.; Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Н. Новгород, 2005. – 23 с.; Потапов В.В. Современное состояние гендерных исследований в англоязычных странах // *Гендер как интрига познания, 2000.* – №1. – С.94-95; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Наука, 1996. – 334 с.; Халеева И.И. Гендер как интрига познания // *Гендер как интрига познания. Сборник статей.* – Москва, 2000. – С.9-18.

⁶Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // *Linguistics.* – Тошкент, 2010. – С. 17-24; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 89 б.; Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2011. – 30 с.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1999. – 24 с.; Эргашева Г.И. *Applied linguistics: Terminology and Translation through gender discourse lens.* – Tashkent: Navruz, 2018. – 154 p.; Атаханова Г. Ш. Номинации «возраст человека» в когнитивно-

Г.Ш.Атаханова инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида «инсоннинг ёши» концептини ва унинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилди. И.М.Тўхтасинов инглиз ва ўзбек тиллари бадиий матнида қўшма сўзларнинг лингвомаданиятшунослик ва гендер хусусиятларини батафсил ўрганган. Г.И.Эргашева гендер терминлари шаклланишининг лингвистик ва экстралингвистик омилларини аниқлади. А.А.Морозова испан тилида эркаклар ва аёлларга хос концептларнинг шаклланиши ва қўлланишини ўрганди. М.К.Халикова рус ва ўзбек фразеологик бирликлари мисолида инсон ва унинг менталитетини тавсифлашнинг лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятларини аниқлади. Фразеологик бирликларнинг лингвокогнитив ва гендер тадқиқига оид ишлар сони кўпайишига қарамасдан, қуйидаги масалалар охиригача ёритилмасдан қолиб кетмоқда: фразеологик бирликлар семантикасидаги гендер компонентларнинг этимологияси, уларнинг тарихий, диний ва миллий-маданий хусусиятлари; фразеологик бирликлар маъносининг гендер концептуаллашув жараёни ва ушбу жараённинг асосий босқичлари; гендер кўрсаткичли фразеологизмларни танлаш мезонларини аниқлаш; инглиз ва ўзбек лисоний оламида мавжуд бўлган гендер концептлари мундарижасидаги эркак ва аёл стереотипларининг муқобиллик ва номувофиқлик ҳолатлари; инглиз тилида гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги эквивалентларини танлаш ва улардан лексикографик мақсадда фойдаланиш; гендер кўрсаткичли фразеологизмларни когнитив, семантик, лингвомаданий ва мавзувий тамойиллар татбиқида таснифлаш; ушбу турдаги фразеологизмларни чоғиштирама аспектда тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг изоморф ва алломорф хусусиятларини фарқлаш.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Филология ва таржимонлик йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти» фанидан дарслик ва ўқув-услубий мажмуа яратиш» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади оламнинг инглиз ва ўзбек фразеологик манзараларида гендер концептлар шаклланиши жараёнининг моҳиятини очиқ бериш ҳамда уларнинг универсал ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тиллардаги гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларни танлаб олиш мезонларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг доирасини кенгайтириш;

прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале англ. языка). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2006. – 20 с.; Морозова А.А. Лингвокогнитивное содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд: СамГИИЯ, 2011. – 25 с.

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликлари семантикасининг гендер концептуаллашув жараёнини ёритиш ва унинг асосий босқичларини аниқлаш;

фразеологик бирликлар тузилмасида гендер компонент этимологиясини аниқлаш ва фразеологик бирликлар семантикасида гендернинг когнитив-концептуал, миллий-маданий ва тарихий-этимологик хусусиятини ёритиш;

гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг семантик, антропометрик, когнитив, лингвомаданий белгиларга асосланган таснифини ишлаб чиқиш;

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларида фаоллашадиган гендер семантикасининг турларини ажратиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар фаоллашувининг ўхшаш ва фарқли (изоморф ва алломорф) хусусиятларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологияси материали асосида эркалар ва аёлларнинг ижтимоий ва оилавий муносабатлардаги гендер ролларини очиб бериш, уларни қиёслаш ва миллий-маданий хусусиятларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз ва ўзбек тилларида гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети гендер кўрсаткичли инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларининг семантик, когнитив, лингвомаданий ва миллий белгилари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қуйидаги тадқиқ методлари ва таҳлил усуллари қўлланилди: тавсифлаш методи, қиёслаш ва мантикий умумлаштириш усуллари, компонент таҳлили, статистик таҳлил, когнитив-концептуал таҳлил, фрейм таҳлили ҳамда маданиятлараро чоғиштириш методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик тизимидаги гендер кўрсаткичли бирликларни танлаб олиш ва таснифлаш учун шахс олмошлари фаоллашувига асосланган грамматик, суффикслар истеъмолида намоён бўладиган морфологик, атоқли ва турдош отлар қўлланилишига таянадиган лексик ва луғавий маънога нисбатан фарқланадиган семантик мезонлар шакллантирилган;

қиёсланаётган тиллар фразеологияси материали замирида гендер концептлари шаклланиш жараёнининг тил бирликларининг лексик маъносини акс эттирувчи семантик, компонентларнинг тасаввурий маъноси билан боғлиқ ассоциатив ва экстралингвистик билимларга асосланган концептуал босқичларда кечиши исботланган;

таҳлил қилинаётган тилларнинг фразеологик бирликлари тузилмасида гендер компонент этимологияси аниқланган ҳамда улар семантикасининг когнитив, миллий-маданий, тарихий-этимологик хусусияти ёритилган;

фразеологик бирликларнинг семантик, антропометрик, когнитив, лингвомаданий белгиларига таянган ҳолда ажратиладиган гендер семантиканинг турлари ҳамда эркак ва аёлларнинг ташқи кўриниши, ёши,

оилавий ва ижтимоий мавқеи, интеллектуал ва шахсий хусусиятларини намоён қилувчи параметрлари ҳамда адабиёт, жуғрофия, маданият, тарих, кундалик ҳаётга оид билим структуралари таснифи ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларида фаоллашадиган гендер маъносини бевосита воқелантирувчи денотатив семантика, қарама-қарши жинс денотатига тегишли зидланувчан семантика, тағмаъноли гендер компонентининг метафорик кўчимига асосланган кўчма маъно ва гендер кўрсаткичли фразеологик бирликда мавжуд гендер маънонинг йўқолишидан иборат нейтраллаштирувчи семантикаси ажратилган;

тадқиқ қилинаётган тиллардаги гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг фаоллашувида намоён бўладиган лексик ва семантик нуқтаи назардан ўхшашлик, грамматик, морфологик ва лисоний-маданий нуқтаи назардан эса фарқли томонлари (изоморф ва алломорф хусусиятлари) аниқланган;

эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва оилавий муносабатлар доирасидаги гендер роллари қиёсланган ҳамда инглиз ва ўзбек фразеологик тизимининг чоғиштира ўрганилиши асосида гендер концептларининг шаклланишида инглиз ва ўзбек халқининг миллий қадриятлари, тафаккури, анъаналарини акс эттирадиган этномаданий хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек фразеологиясида «эркак» ва «аёл» концептларининг таркибланишини таъминловчи параметрлар таснифланган;

тадқиқ этилаётган тиллар фразеологик бирликларини гендер компонент бўйича таҳлил қилиш ва таснифлаш методикаси ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек фразеологик луғатларида қайд этилган гендер бўёқли фразеологик бирликларнинг статистик таҳлили натижасида аниқ маълумотлар олинган;

гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиш ҳолатини лингвистик таҳлил қилиш усули таклиф қилинган;

«Инглиз-рус-ўзбек гендер белгили фразеологик бирликлар луғати» тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилаётган тадқиқот усуллари, асосий илмий-назарий мулоҳазалар, таҳлил қилиб чиқилган материал ҳажмининг салмоғи, мазкур соҳадаги аввалги изланишларнинг назарий хулосалари диссертациянинг назарий ҳолатларига мувофиқлиги билан белгиланади. Хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга татбиқ этилган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бажарилган таҳлиллар жараёнида эришилган турли тиллар фразеологик тизимларини қиёсий-типологик тадқиқи ва шу аснода гендерология соҳаси ривожини учун истиқболли йўналиш очиқ бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида «Инглиз тили фразеологияси», «Лексикология», «Стилистика», «Таржима

назарияси» фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда, махсус фанларни ўқитишда, диссертация ишлари ва монографияларни ёзишда, шунингдек, фразеологик луғатлар тузиш амалиёти учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган параметрлар асосида инглиз ва ўзбек фразеологиясида гендер концептларининг шаклланиши ҳамда уларнинг тарихий-ижтимоий ва миллий-маданий ўзига хослигини аниқлаш асосида:

қиёсий-чоғиштирма таҳлил жараёнида инглиз ва ўзбек фразеологик бирликларида аниқланган деривацион хусусиятлар «Тил таракқиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги ОТ – Ф8 – 062 фундаментал тадқиқот лойиҳасида ўз ифодасини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 89-03-2353-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши тилларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг тиллараро деривацион муносабатларини ўрганиш имконини берган;

оламнинг инглиз фразеологик манзарасида эркак ва аёл андазаларини ишлаб чиқилган параметрларга асосланган ҳолда тадқиқ қилиш моделидан Лондон Метрополитен университетининг гуманитар ва ижтимоий фанлар факультетида лексикография, стилистика, социолингвистика ва таржима назарияси йўналишларидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш учун фойдаланилган (Лондон Метрополитен университетининг 2016 йил 15 августдаги маълумотномаси). Инглиз фразеологияси материали асосида «эркак» ва «аёл» концептлари шаклланишининг ишлаб чиқилган параметрлари гендер тилшунослигининг ривожланишига улуш қўшган;

идиоматик ифодаларни ўрганиш, нутқда улардан тўғри фойдаланишга оид материаллар ҳамда инглиз, рус ва ўзбек тил бирликларининг қиёсий таҳлили «Инглиз тилининг амалий курси» фанини ўрганиш учун мўлжалланган «5120100-Филология ва тилни ўқитиш (инглиз тили)» бакалавриат йўналиши бўйича давлат таълим стандартига киритилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2018 йил 20 июндаги 01/1036-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар инглиз фразеологик бирликларини самарали ўрганишга, уларни инглиз тилидан рус ва ўзбек тилларига тўғри таржима қилишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларни компонент таҳлил қилиш жараёнида олинган натижалардан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 сентябрдаги 89-03-3417-сон маълумотномаси). Инглиз тили гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларни умумий фразеологик захирадан ажратиб олиш учун таклиф этилган мезонлар, уларнинг структурасидаги гендер компонентини лексик нуқтаи назардан таҳлил қилиш натижалари уларнинг семантик маъносини чуқур ўрганиш имконини берган ҳамда инглиз тили лексикаси ва

фразеологиясига доир виртуал ресурслар яратишга оид методик тавсияларни шакллантиришда назарий асос бўлган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги гендер белгили фразеологик бирликларнинг нутқий фаоллашуви бўйича олинган натижалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Уйимдаги хазина» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 20 сентябрдаги 09-02/438-сон маълумотномаси). Бу эса фразеологик бирликларнинг семантик моҳиятига оид тўпланган маълумотлардан болаларга инглиз ва ўзбек тилини ўргатишда кенг фойдаланиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 52 та илмий иш эълон қилинган. 1та монография, 1та луғат (патент), 27 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган республика илмий журналларида 15 та ва 6 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва алоҳида иловадан (уч тилли луғат) иборат. Диссертация ҳажми 230 саҳифалик босма матнни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гендер фразеологияни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида (5 та бўлимда) гендер лингвистикасининг асосий тушунчалари баён қилинган, гендер тадқиқотларнинг қисқача шарҳи берилган, инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик захирасидан гендер қийматга эга бўлганларини ажратиш мезонлари қайта кўриб чиқилиб, уларнинг доираси кенгайтирилган, грамматик, морфологик, лексик ва семантик мезонлар тақдим этилган ҳамда гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиш ҳолатини лингвистик таҳлил қилиш усули тақлиф қилинган.

Ушбу тадқиқотда гендер лисоний-маданий концепт сифатида тавсифланади ҳамда ушбу концепт инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик тизимида гендер стереотипларни шакллантиришнинг асосий таянч бирлиги

мақомида қабул қилинди. Гендер лисоний категория ҳисобланмайди, бироқ унинг мазмуни ва моҳияти тил тузилмаларини таҳлил қилиш йўли билан очиқ берилиши мумкин ҳамда бу жинснинг маданий воқеланишини лингвистик ўрганиш зарурлигини тақозо этади⁷. Гордон Элизабет гендерни жамият ижтимоий тузилишининг асосий ўлчови деб ҳисоблайди.⁸ Тилшуносларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини таққослаб, гендерни тил воситаларида ва муайян жинсга мансуб одамларнинг нутқий фаолияти хусусиятларида намоён бўладиган концепт ёки когнитив тусдаги ҳодиса сифатида белгилаш мумкин.

Қиёсланаётган тиллар фразеологик захирасидан гендер кўрсаткичлиларини танлаб олишда қуйидаги мезонларга амал қилинди:

1. Грамматик мезон. Инглиз тилида таркибида *he, she, his, him, her* шахс олмошлари қатнашаётган фразеологик бирликлар гендер қийматига эга ҳисобланади: *His Majesty's servants* – актёрлар; *he is so dumb you can sell him the Brooklyn Bridge* – у (эркак ҳақида) қип-қизил ахлоқ. Аммо кўплаб инглиз мақолларида *he* гендер кўрсаткичи нейтраллашади ва мазкур мақоллар хотинларга нисбатан қўлланилиши мумкин: *he laughs best who laughs last* – охирида куладиган киши ҳақ. Айнан шу ҳолат инглиз тили грамматикасида андроцентризм устуворлигидан дарак беради. Ўзбек тили мисолида гендер бўёқли фразеологизмларни грамматик мезонга асосланган ҳолда ажратиш қийин масала, чунки ушбу тил тизимида жинсга ишора қилувчи олмошлар мавжуд эмас.

2. Морфологик мезон. Энг аввало *-er, -or* (эркак киши учун) ва *-ess* (аёл киши учун) суффиксли отлар қатнашишига таянади: *stock actor* – театрнинг доимий ижрочилари гуруҳига кирувчи актёр; *meddling duchess* – буйруқбозликни ёқтириб, ўзи ҳеч нарса қилмайдиган хоним. Бироқ *-er / -or* кўшимчалари воситасида ясалган от қатнашаётган фразеологизмлар баъзан аёлларни ҳам аташи мумкин: *high kicker* – енгилтак қиз; *cradle robber* – ўзидан анча ёш кишига уйланган ёки турмушга чиққан киши.

3. Гендер кўрсаткичли инглиз ва ўзбек фразеологизмларини ажратиб олишнинг лексик мезони маълум туркумдаги сўзларнинг фаоллашувида намоён бўлади:

а) атоқли отлар (эркак ва аёл исмлари): *Хўжа Аҳрорнинг моли* – ҳеч ким эришолмайдиган нарсалар; *big John* – янги аскар.

б) маълум жинсга ишора қилувчи турдош отлар: *пайғамбар ёши* – Муҳаммад пайғамбар яшаган ёши (63 йил); *онноқ қиз* – ёш қизга нисбатан ҳурмат ила мурожаат; *the old lady* – она, кампир; *liberty man* – таътилдаги денгизчи.

в) гендер кўрсаткичли қон-қариндошлик терминлари: *онноқ дада* – бобо; *if mother could see us now* – онамиз бизга ҳозир қанчалик роҳат эканлигини кўрганида эди.

⁷Кирилина А. В. Гендер: лингвистические аспекты. – Москва: Высшая школа, 1999. – С. 24.

⁸Gordon Elizabeth. Sex, speech and stereotypes: why women use prestige forms more than men. // Language in Society, 1997. – № 26. – P. 51-52.

4. Гендер қийматли фразеологизмларни ажратишда семантик мезондан фойдаланиш биров мураккабдир, зеро, инглиз ва ўзбек фразеологиясида тузилиш таркибида гендер кўрсаткичли компонент мавжуд бўлмаган иборалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эркак ёки аёл жинсига тегишлигини фақат умумий маънога мурожаат қилган ҳолда фарқлаш мумкин. Жумладан, ўзбек тилидаги фразеологизм *боши қоронғи* – ҳомиладорликнинг илк босқичи. Ушбу фразеологик бирликни алоҳида қисмларга ажратиб олсак, иккита лексема, яъни *бош* ва *қоронғи* лексемалари намоён бўлади. Бу лексемаларнинг гендерга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги кўринадиди, лекин уларнинг бирикувидан ҳосил бўладиган фразеологизм аёл киши ҳомиладорлигининг илк босқичига ишора қилади. Инглиз фразеологизми *lounge lizard* (бекорчи, маишатпараст) таҳлили ҳам унинг таркибида гендер компоненти йўқлигидан дарак беради: *lounge* – дам олиш жойи, *lizard* – калтакесак. Улар қатнашувидаги бирикма эса ҳеч қандай иш билан машғул бўлмаган, вақтини турли истироҳат жойларида ўтказадиган эркак кишини атайди.

Шундай қилиб, санаб ўтилган мезонларнинг фаоллашуви бир текис кечмайди, улар баъзи истиснолардан холи эмас. Шу боис, фарқловчи мезонлардан мажмуавий фойдаланиш кўпроқ самара беради.

Инглиз ва ўзбек фразеологияси материалларида аниқланган гендер андазалар: 1) эркаклар стереотипи ва 2) аёллар стереотипига бўлинади.

Гендер стереотипи тил тизимида намоён бўлади, гендер концептининг кўлами эса кенгроқ ва у лексик-фразеологик сатҳда ҳамда яхлит матн таркибида фаоллашади. Гендер стереотиплари ва гендер концептлар бири-бирини такрорлаши шарт эмас. Аксинча, инглиз ва ўзбек тиллари материалларида бу икки ҳодисанинг ўзаро номуқобиллик ҳолатлари тез-тез кузатилади. Жамиятнинг тараққиёти билан инсонларнинг эркак ва аёл андазалари тўғрисидаги фикрлар, стереотип қарашлари ўзгариб туради, лекин мазкур ўзгаришлар тил тизимида ва луғатларда акс топиши қийин кечади.

Эркак стереотипи инглиз лингвомаданиятида қуйидаги тушунчаларни қамраб олади: мансаб, боқувчининг роли, мардлик, қатъият, аёлларга хушомат қилиш, никоҳ, оталик, дўстлар, кўнгилхушлик. Ўзбек лисоний маданиятида эркакнинг стереотипи қуйидаги тушунчалардан шаклланади: маълумот, касб, никоҳ, оила, боқувчининг роли, масъулият, ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, лавозимларга эришиш, болаларнинг келажагини таъминлаш, набиралар тўғрисида ғамхўрлик қилиш. Ҳар иккала маданиятда мардлик, лавозимда кўтарилиш, боқувчининг роли, оила ўхшаш ҳисобланади. Бироқ, ўзбек лисоний маданиятида эркакларнинг оила ва кекса ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиши билан боғлиқ андазавий маъсулияти ёрқинроқ ва кенгроқ ифодаланган.

Инглиз ва ўзбек тилларида гендер стереотиплар биологик ва ижтимоий номланишлар асосида шаклланади: *man* / эркак, *boy* / ўғил бола, *father* / ота, *brother* / ака, *son* / ўғил, *husband* / эр, *grandfather* / бобо, *uncle* / амаки, тоға,

father-in-law / қайнота, grandson / ўғил неварра, nephew / ўғил жиян, friend / дўст, comrade / ўртоқ, sir / жаноб, Mr. / жаноб ва шу кабилар.

Эркакларнинг гендер андазалари шаклланишида қуйидаги фазилятлар катта ўрин тутди: садоқат, тартиб-интизомлилик, мардлик, жасорат, ирода кучи, ақл-заковат ва жамиятдаги ижтимоий мавқе: *елкаси* (ёки *кифти*) *ерга тегмаган полвон*; *knight without Fear and without Reproach* – кўрқув билмайдиган олижаноб одам; *a man of honour* – тўғрисиўз, тартиб-интизомли киши. Инглиз ва ўзбек лисоний маданиятларида эркакларнинг асосий фаолияти ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ, бунда эркак етакчи мавқени эгаллайди: *ёш бўлса ҳам бош*; *a man of the moment* – айна вақтда кўринарли мавқени эгаллаган инсон. Фразеологияда эркакларнинг оиладаги етакчилиги намоён қилинади: *бош эгадан қўймасин* – (дуо қилиш) (яъни эр, болаларнинг отаси ҳамма вақт соғ-омон бўлсин); *man of the house* – оила бошлиғи. Оилавий муносабатлар соҳасида эркак эр ва ота вазифасини бажаради: *бола-чақали одам* – оилали инсон; *бола-чақа қилмоқ*; *a man of family* – оилали киши; *family man* – оилапарвар. Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида «оила» тушунчаси болалар (бола-чақа) билан боғлиқ ҳолда тушунилади, инглиз тилида оддий қилиб *family* (оила) сўздан фойдаланилади.

Аёл стереотипи инглиз лингвомаданиятида қуйидаги тушунчалардан иборат: жозибали ташқи кўриниш, севги-мухаббат, эрга тегиш, оила, рафиқаннинг роли, бола туғиш ва болаларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, болаларни тарбиялаш, дугоналар. Ўзбек лисоний маданиятида аёлнинг стереотипи келин роли кўшилган ҳолда айна шу тушунчалардан шаклланади. Ушбу роль аёллар учун етакчи мавқелардан бири ҳисобланади.

Аёлларнинг гендер стереотипи ёши, оилавий аҳволи, ижтимоий мақоми ва шу кабилар бўйича аёлни тавсифлайдиган белгилардан иборат: *woman* / аёл, *girl* / қиз бола, *mother* / она, *sister* / опа, сингил, *daughter* / қиз, *wife* / хотин, *grandmother* / буви, *aunt* / хола, амма, *mother-in-law* / қайнона, *granddaughter* / қиз неварра, *niece* / қиз жиян, *girlfriend* / дугона, *lady* / хоним, *Mrs.* (Миссис – эрли хотинга мурожаат) / хоним, *Miss* (Мисс – эрга тегмаган қизга мурожаат) ва шу кабилар.

Ҳар иккала лингвомаданиятда аёлнинг фаолият соҳаси ички макон, уй ва оила билан чегараланган: *lady of the house* = *уй бекаси*; *lady of the frying-pan* = *ошхона бекаси*. Бироқ, замонавий инглиз ва ўзбек тилларида аёлларнинг касбий машғулотини кўрсатувчи ифода усули пайдо бўлди (ҳамма вақт ҳам фразеологик қатламга оид эмас): *адиба аёл*; *олима аёл*; *a hello girl* – телефонист қиз; *gaiety girls* – варьете актрисаси. Инглиз ва ўзбек фразеологиясида оилани (шу жумладан, эрни) тўлиқ бошқарувчи аёл салбий баҳоланади: *эрнинг жиловини қўлга олмоқ*; *the gray mare* – эрни ўз измидан чиқармайдиган аёл. Бундай аёл моделини ифодалайдиган фразеологизмлар инглиз тилида оммавийлик касб этади ва ўзбек тилида камдан кам учрайди. Бу эрга ўз ҳукмронлигини тўлиқ ўтказадиган аёл модели эрини хурмат қиладиган ва эъзозлайдиган муте аёл образига мувофиқ келадиган ўзбек маданияти учун мақбул эмаслигидан далолат беради.

Гендер стереотиплар жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий ўзгаришларга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.⁹

Эркак ва аёлларнинг ёрқин образлари яратилган гендер кўрсаткичли инглиз ва ўзбек мақоллари ҳам таҳлил қилинди. Тадқиқ этилаётган тилларда мақоллар семантикасининг бир хиллиги қуйидагиларда намоён бўлди: аёлларнинг эзмалиги ва маҳмадоналигини қоралаш, эркакларнинг етакчилигини маъқуллаш, яхши бекалар ва уларнинг пазандалигини, эркакларнинг меҳнатсеварлиги ва жасурлигини мақташ; хотинининг измидан чиқмайдиган эркаклар устидан кулиш; эр-хотинга буюриладиган тақдирга ишониш. Инглиз тили паремиологиясининг ўзига хослиги аёлнинг алдамчи ташқи кўринишига урғу беришдан, бой хотинни танлашга устунлик беришдан ва эркакларни аёлларнинг кули деб билишдан иборат: *A fair wife without fortune is a fine house without furniture; Men are born the slaves of women.* Ўзбек паремиологиясининг ўзига хослиги эркакларнинг мардлиги ва ҳукмронлигини мадҳ этишда, мустаҳкам оилавий ва никоҳ муносабатларида ҳамда ота-оналарни эъзозлашда намоён бўлади: *Эр бўл, эр бўлмасанг, қора ер бўл; Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас – эл билур; Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин; Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда; Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши; Ўғил отасига ўхшамаса, қони ҳаром.* Шу йўсинда гендер белгили мақоллар таҳлил қилинаётган тилларнинг миллий-маданий хусусиятларини ёритиб берди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Гендер компонентни долзарблаштириш ва гендер семантика типлари**» деб номланган (4 та бўлимдан иборат) бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларини гендер компонент бўйича таҳлил қилиш ва таснифлаш методикаси ишлаб чиқилган ва тадқиқ этилаётган тиллар фразеологик бирликларининг семантик, антропоцентрик, когнитив, лингвомаданий белгиларга асосланган таснифи яратилган, инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларида фаоллашадиган гендер семантикасининг тўртта тури ажратилган: денотатив семантика, қарама-қарши семантика, кўчма семантика ва нейтраллашувчи семантика, инглиз ва ўзбек тилларида атоқли ва турдош от компонентли гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар чуқур тадқиқ қилинган.

Н.А. Павленко қайд этганидек, гендер компонент фразеологик маънода эксплицит ифодаланиши мумкин, яъни муайян жинсни тўғридан-тўғри кўрсатувчи компонент иштирок этиши мумкин: *аёл боши билан* – аёл бўлишига қарамасдан; *the man at the wheel* – бошқарувчи, раҳбар. Бундан ташқари, ушбу компонент имплицит, яъни мазмун жиҳатидан мавжуд бўлиши, бироқ формал ифодаланмаслиги ҳам кузатилади:¹⁰ *жамалак ўртоқ* – болалик давридан ўртоқ; *the weaker vessel* – аёл.

⁹Kuhn Elizabeth D. Gender and Authority: Classroom Diplomacy at German and American Universities. – Tubingen: Narr, 1992. – P. 114.

¹⁰Павленко Н.А. Гендерный компонент в семантике английских фразеологических единиц. // Филологические трактаты. – Донецк: Донецкий Национальный университет, 2013. - № 2. – С. 89.

Ишда инглиз ва ўзбек фразеологизмларида гендер маъно намоён бўлишини таҳлил қилиш натижасида гендер семантиканинг тўртта асосий типи таклиф этилди:

1. Денотатив семантика эркак ёки аёл жинси денотатига бевосита ишора қилади, гендер маънони эксплицит ифодаловчи компонентга эга бўлган фразеологизмларда фаоллашади: *хотин боши билан* – аёл бўлгани ҳолда (яъни ожиза эканлигига қарамай); *бўз йиғит* – ёш, ғўр йиғит; *lord of creation* – (ҳазиломуз) ижоднинг чўққиси, эркак; *maid of honour* – фрейлина, келиннинг дугонаси.

2. Қарама-қарши семантика: эркак ёки аёл жинси денотатини кўрсатувчи компонент мавжуд, бироқ мазмун бошқа жинс вакилини тавсифлайди: *хотинбоз* (эркак); *эркакшода* – аёллик нафосати йўқ кўпол хотин; *girl boy* – қиз болага ўхшаган бола, нозикмижоз бола; *bachelor girl* – (амер.) ёлғиз қиз, турмушга чиқмаган қиз.

3. Кўчма семантика: фразеологизмда гендер маъносини имплицит усулида ифодаловчи компонент мавжуд ва унинг гендер маъноси метафорик кўчиш негизида ҳосил бўлади: *мўйлаби ҳам гам емайди* – (истехзоли) парвосига келмайди; *breeches part* – (театр жаргони) эркак роли; *beauty and the beast* – гўзал ва махлук, яъни хушрўй аёл ва хунук эркак.

4. Нейтраллаштирувчи семантика бирикма таркибидаги гендер компонент гендер маънони намоён қилмасдан, балки мавҳум тушунча, ҳодиса ёки предметни англатади: *эркак сабзи* – ейишга яроқсиз сабзи; *жонон пиёла* – юқори сифатли чинни пиёла (жонон – хурлиқо, севимли); *long Eliza* – аёлнинг қадди-қомати тасвирланган кўк-оқ Хитой гулдони (Eliza – аёлнинг исми); *iron man* – доллар (man – эркак).

Диссертация ишида биринчи марта таклиф этилган гендер семантика турларининг намоён бўлишини чизма шаклида ифодалаш мумкин:



Гендер таркибли фразеологик бирликлар структур таҳлили уларда иштирок этаётган бўлакларни 4 гуруҳга ажратишга имкон берди:

1. Антропометрик лексемалар, яъни эркак ва аёл жинслари денотатига ишора қилувчилар: эркак; аёл (хотин); ўғил (бола); қиз (бола); йиғит; man; woman; boy; girl; male; female; gentleman; lady; king; queen ва ҳоказо. Инглиз

ва ўзбек антропометрик бўлакли фразеологизмларга қуйидагилар мисол бўла олади: *бекорчиларнинг беги* – ўта ялқов, текинхўр; *бўз йигит* – ёш, ғўр одам; *king for a day* – бир дақиқалик қирол; *a fine lady* – ўзини юқори табақага мансуб қилиб кўрсатаётган хонимча.

2. Айрим антропонимлар (эркак ва аёллар исм-шарифлари) турдош отлар хусусиятини олади: *балойи Азим* – ҳар балога қодир; *Jack and Jill* – севишган йигит ва қиз; *Tom fool* – қизиқчи, масхарабоз.

3. Эркак ва аёлларни оилада тутган мавқеига нисбатан атовчи қон-қариндошлик терминлари: *father* / ота; *mother* / она; *son* / ўғил; *daughter* / қиз; *brother* / ака, ука; *sister* / опа, сингил; *husband* / эр; *wife* / хотин; *uncle* / тоға, амаки; *aunt* / хола, амма; *grandfather* / бобо; *grandmother* / буви; *daughter-in-law* / келин; *son-in-law* / куёв. Масалан: *онанг билан тенг*; *она-ука тутинмоқ*; *the mother of Parliaments* – Парламент Ватани, Англия; *sworn brothers* – тутинган ака-ука; *Aunt Sally* – 1) «Салли хола» халқ ўйиннинг номи. Айтиш жоизки, қон-қариндошлик терминлари қатнашаётган фразеологизмлар ҳар доим ҳам қариндошлик муносабатларига ишора қилавермайди.

4. Маълум бир жинс билан боғлиқ касб, лавозим, мансаб кабиларни атовчи агентив отлар: *ҳолвачининг тешасидек чаққон* – чаққон одам; *кўз боғлагич* – фокус кўрсатадиган киши; *an old soldier* – (биринчи маънода) кўпни кўрган, тажрибали одам; *sub pilot* – (амер.) эндигина иш бошлаган лоцман. Келтирилган мисоллардан кўринадики, агентив лексемаларнинг катта қисми эркаклар касбига оид ва бу яна бир қарра эркак кишининг инглиз ва ўзбек маданиятида етакчи ўринни эгаллашидан дарак беради.

Диссертациянинг «**Гендер фразеологияси тизимининг лингвокогнитив таҳлили**» деб номланган учинчи бобида (5 та бўлимда) инглиз ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларининг гендер концептуаллашув жараёни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган ҳамда унинг семантик, ассоциатив ва концептуал босқичлари аниқланган, инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик бирликлари тузилмасида гендер компонент этимологияси аниқланган ҳамда улар семантикасининг когнитив, миллий-маданий, тарихий-этимологик моҳияти очиқ берилган.

Тил ва нутқий тафаккур билан боғлиқ фаолият когнитив тилшунослик объекти ҳисобланади.¹¹ Инсоннинг умр давомида ўзлаштираётган билим бойлиги ҳақида сўз юриталаётганида, «когниция» терминига изоҳ бериш керак бўлади. Когнитив фаолият бевосита тил билан боғлиқ ҳолда кечади, зеро, тил воситасида тажриба ва билим алмашиналади, ахборот узатилади, билиш жараёни, унинг натижаларининг айнан шу жиҳати билимнинг лисоний тизимини, яъни уни тартиблаштириш, хотирада сақлашнинг лисоний воситаларини ўрганувчи тилшунослик фани билан алоқадордир¹². Фразеологик бирликни маданий ҳодиса, лингвомаданий концепт сифатида қараш лозим. Унинг мундарижасида маълум бир жамоа тараққиётининг ижтимоий-маданий ва миллий хусусиятлари акс этади.

¹¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 17-18.

¹² Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: DirectMedia, 2016. – С. 12.

Концепт, сўзсиз, когнитив лингвистиканинг таянч тушунчаси ҳисобланади. Фразеологик бирликларнинг когнитив имкониятлари уларни концептуал схемалар, тафаккур манзаралари ва сценарийлар (ёки скриптлар) тарзида тасвирлашга асос яратади. Концептуал схемалар эркак ёки аёл ёши, характери ва шу қабилар тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборотни акс эттиради: *the Arab of the gutter* = *кўча боласи*. Берилаётган маълумот: эркак жинс вакили, балоғат ёшида, оилада молиявий қийинчиликлари бўлган, паст ижтимоий даража, кўпинча кир-чир, палапартиш қийинган, дағал, тарбия кўрмаган; *a man of letters* = *сиёҳдон беги, ёзувчи*. Берилаётган маълумот: эркак жинс вакили, ижтимоий мақомга эга, одатда классик услубда қийинган, интеллигент, ақлан баркамол, креатив.

Скрипт (сценарий) ўзида вақт ўлчовига эга воқеалар кечишини ифодалайди ва бир неча ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин: 1) вазиятнинг номи; 2) ушбу вазият учун типик роллар; 3) типик вазиятларни киритиш шартлари; 4) ҳаракатларнинг изчиллиги. Гендер кўрсаткичли *to take wife* «уйланмоқ» инглиз фразеологизми ва ўзбек тилидаги «келин туширмоқ» фразеологик бирлик мисолида скрипт амалга оширилишини кўриб чиқамиз. Қайд этилган тўртта кўринишдаги сценарийларни қуйидагича тасвирлаш мумкин: 1) вазиятнинг номи – тўй, уйланиш, никоҳ; 2) ушбу вазият учун типик роллар – куёв ва келин, уларнинг яқинлари, қариндошлари, шунингдек, таклиф этилган меҳмонлар; 3) типик вазиятни киритиш шarti – оила қуриш зарурати, болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш, наслни давом эттириш; 4) ҳаракатларнинг изчиллиги – совчилик, унаштириш, тўйга тайёргарлик, меҳмонларни таклиф этиш, тўй маросимини ташкил этиш, тўй расм-русмларини бажариш, янги оила барпо этиш.

Сценарий қисқа муддатли бўлиши мумкин: *уч талоқ* – (диний) уч қарра ажралиш (бундан кейин эр ушбу аёлга иккинчи марта уйлана олмайди), *beat somebody to a pumny* – кимнидир қаттиқ қалтаклаш, ўлар ҳолатида. Узоқ муддатли сценарий: *умр савдоси* – уйланиш, турмушга чиқиш; *keep bach* – бўйдоқларча ҳаёт кечириш.

Фразеологик бирликлар семантикасида гендер метафорик қайта англашлар ёрдамида концептуаллашув жараёнидан ўтади, натижада гендер метафоралар пайдо бўлади. Гендер метафоралар эркаклар ва аёлларнинг ёрқин, такрорланмас ва ноёб образларини ҳосил қилади. Ҳайвонлар мавзусига тегишли бўлган сўзлар кўпчилик гендер метафораларни ташкил этган: *айёр тулки* – айёр, фирибгар; *loan shark* – судхўр; *fresh fish* – қамоқхонага биринчи марта тушган киши (эркак); *dead rabbit* – қаллакесар. Одамлар инсонга хос хусусиятларни ҳайвонларга менгзайди, сўнгра эса яна уларни одамларга юклайди¹³: *бедана юриш* – кичик қадамли юриш (аёлларнинг қадам ташлаши); *a hen with one chicken* – тиниб-тинчимас, жонкуяр хотин.

¹³Томашевская И.В. Когнитивные аспекты формирования гендерно-маркированных оценочных существительных в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: ФГАОУ, 2011. – С. 5.

Озиқ-овқат маҳсулотларини англаувчи лексемалар ҳам гендер метафоралар ҳосил бўлишида сермахсул ҳисобланади: *бир қошиқ сув билан ютгудек* – жуда гўзал, жозибали, нозик кўринишли, назокатли аёл, чиройли; *hard-boiled egg* – хиссиз, қалбсиз эркак.

Предметнинг хоссаси билан ўхшашлик кишининг шахсий фазилатини намоён қилади: *Ашир тарнов* – дароз одам тўғрисида; *blue coat* – кўк рангли либос кийган киши: аскар, денгизчи ёки полиция ходими.

Мисоллар шуни кўрсатадики, икки-уч лексемадан иборат бўлган битта фразеологик бирликда одам, унинг жинсий мансублиги, ёши, ташқи кўриниши, ижтимоий мақоми, шахсий фазилатлари, ижтимоий роли ва ҳоказолар тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотлар сингдирилади.

Когнитология кўпқиррали фан соҳаларидандир. Унинг доирасида шаклланган когнитив тилшунослик, ўз навбатида, мураккаб вазифа ижросини кўзлайди, зотан лисоний ва билим структуралари ўртасидаги муносабатлар ҳамда доимий муқобилликлар таҳлили, изоҳи режалаштирилади¹⁴. Билим структуралари лисоний (лексика, грамматика, фонетика, сўз яшаш кабилар) ва нолисоний (тарихий, комусий, диний, маданий характердаги билимлар) гуруҳларга ажралади¹⁵.

Гендер кўрсаткичли фразеологизмларни билим структураларига оидлигига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) диний билим структурасига эга ФБ;
- 2) мифологик билим структурасига эга ФБ;
- 3) тарихий ва кундалик ҳаётга оид билим структурасига эга ФБ;
- 4) адабиётга оид билим структурасига эга ФБ;
- 5) жуғрофий билим структурасига эга ФБ;
- 6) миллий маданият билан боғлиқ билим структурасига эга ФБ.

Айтиш жоизки, ҳар қандай билим структурасига миллий-маданий хусусият хосдир, чунки тил соҳиби айни пайтда эслатилган билим структуралари эгасидир.

Гендер компонент ўз мазмунини намоён қилиш учун концептуаллашувнинг учта босқичидан ўтади. Булар:

1) фразеологизм семантикасида гендер аҳамиятли компонентни аниқлаб берадиган семантик босқич, бунда гендер компонент фразеологик бирликларнинг қолган компонентлари орасида ажралиб туради: *ўғил кўрди* – хотини ўғил туғди; *a back-room boy* – махфий лабораториянинг илмий ходими, эксперт, мутахассис;

2) ассоциатив босқич, унда гендер компонентнинг маъноси рўёбга чиқиши ва унинг фразеологизм тузилмасида бошқа компонентлар қийматлари билан тўлдирилиши билан боғлиқ ассоциация юзага келади: *ўғил кўрди* – яъни ўғил фарзандли бўлди; *a back-room* (*a back-room boy* ФБдан) – орқа хона, лаборатория, махфий хона;

¹⁴ Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – С. 9.

¹⁵ Ashurova D.U., Galieva M.R. Text Linguistics. – Tashkent: Turon-Iqbol, 2016. – P. 190.

3) концептуал босқич, унда гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг семантик мазмуни тўғрисидаги тўлиқ тасаввурни таъминлайдиган экстралингвистик билимлардан иборат когнитив база асосида эркаклар/аёлларнинг муайян тавсифлари шакллантирилиши юз беради: *ўғил кўрди* – унинг ўғли туғилди; а *back-room boy* – сўзма-сўз «орқа хонада ишлайдиган бола», яъни махфий лабораториянинг илмий ходими, эксперт, мутахассис.

Шундай қилиб, гендер концептуаллашуви фразеологик бирликлар ўзаро чирмашадиган, кўпинча метафорага айланадиган ва биргаликда инглиз ва ўзбек лингвомаданиятларида «эркак» ва «аёл» концептларини шакллантирган ҳолда ноёб гендер маънолар яратадиган ботиний имкониятларни намоён қилиш мақсадини кўзлайдиган уч босқичли жараёндан ўтиши керак.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек фразеологик тизимида гендер концептларининг фаоллашуви**» (4 бўлимдан иборат) деб номланган тўртинчи бобида инглиз ва ўзбек фразеологияси материали асосида гендер концептларнинг шаклланиш жараёни ёритилган, инглиз ва ўзбек фразеологиясида «эркак» ва «аёл» концептларининг таркиблашувини таъминловчи параметрлар таснифланган, ижтимоий ва оилавий муносабатлар доирасида эркаклар ва аёлларнинг гендер роллари аниқланган ҳамда қиёсланган, инглиз ва ўзбек фразеологияси тизими асосида гендер концептларнинг миллий-маданий хусусиятлари ёритиб берилган, инглиз ва ўзбек тилларидаги гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг изоморф ва алломорф хусусиятлари аниқланган, кузатилган ҳолатлар ва хулосалар исботини топиш мақсадида статистик таҳлил натижаларига мурожаат қилинган.

Инглиз ва ўзбек фразеологиясида гендер концептларини фрейм тузилишида қуйидаги слот ёки таркибий кўрсаткичлар шакллантиради: 1) ташқи қиёфа, 2) ёш, 3) характер ва шахсий сифатлар, 4) оиладаги мавқе, 5) ижтимоий мақом ва касбий фаолият, 6) хулқ-атвор ва ҳаёт тарзи, 7) интеллектуал қобилият.

«Ташқи қиёфа» кўрсаткичига таянадиган фразеологик деривация инглиз ва ўзбек тилларида кенг тарқалган ва бунда қиёфага ижобий ҳамда салбий баҳо маъноси воқеланади:¹⁶ *келбати келишган* – қадди-қомати расо; *қирмоч кал* – тўкилиб қолган, қартайган; (*as*) *handsome as paint* – келишган, чиройли (эркаклар ҳақида).

Эркакларнинг ёши икки поғонада тасвирланади: 1) кучга тўлган ёш йигит: *қирчиллама йигит* – кучга тўлган йигит; *an unlicked cub* – оғзида сути қуримаган йигитча ва 2) катта ёшли эркак: *кўпни кўрган одам* – тажрибали эркак; *old moustashe* – тажрибали аскар, фахрий. Ўзбек тилида катта ёшли эркак тасвирида унинг ҳаётий тажрибаси, жамоадаги обрўсига ишора ажралиб туради: *соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ*; инглиз фразеологизм-

¹⁶Рамазанова З.М. Сопоставительное исследование гендерной фразеологии в лакском, русском и английском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала: ДГПУ, 2011. – С. 13.

ларида эса эркак кишининг ёши кўполроқ тавсифланади ва бунда кўпинча *old* «қари» + от компонентли тузилмаларга мурожаат қилинади: *old chap, old cock, old man, old thing, old fellow, old ship* бу ерда «қария», «чол» маънолари фаоллашмоқда.

Эркакларнинг куйидаги шахсий сифатлари ижобий баҳоланади: билим ва тажриба: *old stager* – тажрибали, ибратли эркак; жасорат: *юрагида ёли бор* – ҳақиқий эркак, мард йигит; *a man of courage* – мард, жасур инсон; ишбилармонлик: *кўзга кўринган шахс* – машхур шахс, арбоб; *career man* – профессионал дипломат; софдиллик ва тўғрисиўзлик: *as honest man as ever broke head* – ўта соф ва тўғрисиўз одам; ирода ва сабр-тоқат: *жони темирдан эркак; a man of iron* – иродали эркак; саводхонлик ва донолик: *ақли Салим* – донишманд, маслаҳатгўй; *a man of wisdom* – билимдон одам.

Эркакларга бериладиган салбий тавсифлар: шафқатсизлик: *қамчисидан қон томади* – у шафқатни билмайди; *the man of blood and iron* – пўлат канцлер – Бисмаркнинг лақаби, шафқатсиз одам; аёрлик ва фирибгарлик: *балохўр одам* – порахўр, текинтомоқ, тўймас; *knight of industry* – (эвф.) ялқов, фирибгар; дангасалик: *Боқи беғам* – бепарво, ялқов одам; *a lounge lizard* – (сл.) альфонс, текинтомоқ; бефаҳмлиқ ва аҳмоқлик: *қип-қизил аҳмоқ* – бўлган битгани аҳмоқлик; *a man of Gotham* – бефаҳм, билимсиз одам; тарбиясизлик: *тўқим табиат* – беодоб, кўпол одам; *John Trot* – дағал йигит, қишлоқи; заифлик: *аммамнинг бузоғи* – латтачайнар, имиллаган одам; *John Thomson's man* – кўрқоқ, хотиннинг босимидаги одам; кўрқоқлик: *Аширвой кўрқоқ* – кўрқоқ одам; манманлик ва калондимоғлик: *bloated aristocrat* – димоғдор, манман одам; хасислик: *мулла мирқуруқ* (ёки *мулла қуруқ*) – қурумсоқ, доимо пули йўқ одам; эркакнинг аёл сифати: *аллонда Азиз, тўрвада майиз* – ўта эркатой; *Lizzie boy* – қизмижоз эркак.

Оиладаги мавқени мустаҳкамлашга оид бир қатор фразеологик бирликлар мавжуд: *бошини иккита қилиб* (ёки *қовуштириб*) *қўймоқ* – уйлантирмоқ; *to take a wife* – уйланиш. Ўзбек лисоний маданиятида ўғилни уйлантириш оила учун муҳим воқеадир: *бошини боғлаб қўймоқ* – унаштириб қўймоқ; *келин туширмоқ* – келин келтирмоқ. Оилани бошқариш ва таъминлаш мавзусидаги иборалар ўзбек фразеологиясида кенг кўламда тарқалган: *рўзгор бошига тушди* – оила қурди ва ташвиш унга тушди; *оила тебратмоқ* – оилани боқмоқ, таъминламоқ; *бўйнига ола хуржун тушди* – у оила қурди ва энди уни боқиши керак. Муносиб турмуш ўртоғини топиш – ҳар бир эркак учун муҳим вазифа: *Marry in haste and repent at leisure* – шошилиб уйланган бутун умр азоб чекади = *Шошган қиз эрга ёлчимас*. Айрим эркаклар ёлғиз яшашни маъқул кўрадилар: *қари бўйдоқ; single harness* (ёки *blessedness*) – бўйдоқлик.

Эркакнинг ижтимоий мақоми унинг жамиятда тутган ўрни, кўпинча касбий маҳорати билан белгиланади:¹⁷ *ҳарбий одам (киши); давлат арбоби; great seizer* – шериф; *a man of law* – ҳуқуқшунос. Эркакнинг жамиятда юқори

¹⁷Рамазанова З.М. Сопоставительное исследование гендерной фразеологии в лакском, русском и английском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала: ДГПУ, 2011. – С. 15.

даражада (лавозимда) бўлиши қуйидаги фразеологизмларда қайд этилади: *катта одам* – амалдор, муҳим шахс; *the man at the top* – молия, савдо, ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи. Бошқа фразеологизмларда эса қарама-қарши маъно ифодаланади: *кичкина одам* – оддий ходим; *the man in the street* – ҳеч қандай лавозимга эга бўлмаган киши. Эркаклар ижтимоий мақоми тавсифида молиявий имкониятлар алоҳида ўринни эгаллайди: *бели* (ёки *ҳамёни*) *бақувват* – ҳамёни тўла, пули кўп; *butter-and-egg man* – бойвачча; *(as) rich as Croesus* – Крездек бой.

Ялқов, текинхўр, хотинбоз эркак образи салбий баҳога лойиқ: *иш йўқ*, *Алим йўқ* – бекорчи бўлиб ўтирмақ, ялқовлик қилмоқ; *текин томоқ* – текинхўр; *айш қилиб юрмоқ* – ҳузур қилиб, ўз роҳатини кўзлаб яшамок; *Jack among the maids* – хотинлар кўнглини овловчи; *a man of nothing to do* – бекорхўжа; *boon companion* – хушчақчақ ҳамшиша.

Аёл ташқи қиёфасини тавсифлашда чирой етакчилик қилади: *ой деса оғзи бор*, *кун деса кўзи бор* – ойдек чиройли, ҳаддан ташқари гўзал; *a chit* (ёки *slip*) *of a girl* – қадди-қомати келишган қиз; *(as) pretty as a picture* (ёки *paint*) – суратдагидек чиройли қиз. Аёл ташқи қиёфасини тавсифлашда, одатда, қад-қомат, соч ранги, лаб кабилар инобатга олинади: *яримта қошиқ* – кичкинагина, озғин, нимжон; *пуста даҳан* – 2) оғзи (лаби) нозик қиз; *a peroxide blonde* – сочи бўялган малласоч аёл.

Аёллар ёши ҳақида сўз кетганда, асосан, иккита категория назарда тутилади: кичик ёш (ёшлик) ва катта ёш (қарилик). Қуйидаги фразеологизмларда аёлнинг ёшига ишора мавжуд: *бўй етган* – ёши турмуш қуришга тайёр қиз; *young lady* – турмушга чикмаган ёш қиз. Ёши ўтган аёл кўпинча салбий баҳога сазовор бўлади: *шум кампир* – қаҳрли кампир, жодугар; *an old cat* (*duck, trout*) – миждов, жанжалкаш кампир.

Аёлларнинг ижобий сифатлари борасида қуйидагилар эслатилади: меҳрибонлик: *қўйдек ювош* – ювош, меҳрибон; *(as) harmless as dove* – беозор, ювош; ақл: *ўзини билган аёл* (*хотин*) – ақлли, заковатли аёл; *mother Superior* – аёллар монастирининг бошлиғи; садоқат: *оғзи(га) маҳкам аёл* – ишонса бўладиган, сир сақлай оладиган хотин; *sister Anne* – ишончли дўст; сахийлик: *қўли очиқ аёл* – сахий аёл; *lady Bountiful* – мухтожларга ёрдам берувчи аёл; поклик, ҳалоллик: *қоғозга ўралган қанддек қиз* – тоза, ифбатли қиз; *a woman of honour* – ҳалол, пок аёл; рўзғорни бошқариш: *қўли ширин* – мазали овқат тайёрлайдиган (уй соҳибаси); *a woman's touch* – аёл қўли сезилади.

Аёллар хулқ-атворининг қуйидаги сифатлари қораланади: ахлоқсизлик ва енгилтаклик: *табиати енгил аёл* (*хотин*) – бузук аёл; *high kicker* – енгил табиат қиз; жанжалкашлик: *жанжалкаш аёл* (*хотин*); *common scold* – жанжалкаш аёл; ҳукмронлик: *эрнинг жиловини қўлга олмақ* – эрига ҳукм ўтказадиган хотин; *wear the breeches* (ёки *pants*) – оилада ҳукм юритадиган хотин; маккорлик, аёрлик: *майиз емаган хотин* – (киноя) ўзини тоза, тўғрисиўз, покдомон кўрсатадиган аёл (аслида, ундай эмас); *sly puss* – (ҳазил.) аёргина қиз; калондимоғлик ва инжиқлик: *нозик ойим*; *унак ойим*; *fine lady* – (киноя) ўзини юқори табақали қилиб кўрсатадиган аёл; кўполлик: *ўғил эркак* – эркаксимон аёл, бало хотин; *a blue stocking* – аёллик хусусияти бўлмаган

хотин, эркакшода; сержағлик: *элакка борган аёлнинг эллик оғиз гапи бор* – сержағ хотин; *an old wife* – иғвогар хотин.

Аёлларнинг оиладаги мақоми турли маънодаги фразеологик бирликларда воқеланади: *one's best girl* – севилган (суюкли) қиз, маҳбуба; *fancy girl (lady, woman)* – жазман, маъшуқа; *one's good lady* – рафиқа. Охирги мисолнинг ўзбек тилидаги муқобили *жуфтми ҳалолим* бирлиги бўлиб, ушбу ибора эрга нисбатан ҳам ишлатилади ва «менинг садоқатли турмуш ўртоғим» мазмунини англатади. Инглиз тилидаги *a grass widow* «ажрашган, бева хотин» фразеологик бирлигининг муқобили эса *тирик бева* иборасидир. Инглиз ва ўзбек фразеологик тизимида турмушга чиқмасдан қолган қизларни атовчи қатор бирликлар мавжуд: *бахти бойланди* – унга тақдир кулиб боқмайди; *бахти очилмади* – унга совчи келмаяпти; *bachelor's girl* – (амер.) ёлғиз, турмушга чиқмаган қиз; *dance barefoot* – (шекс.) қари қиз бўлиб қолмоқ (одатда, синглиси турмушга чиқиб, ўзи қолиб кетган қизга нисбатан ишлатилади); *old maid* – қари қиз.

Аёлнинг ижтимоий мақомини унинг касбий қобилияти, меҳнат имкониятларини тавсифловчи бирликлар воситасида аниқланади: *адиба аёл*; *хизматкор аёл*; *ABC girl* – Лондондаги кафеда хизмат қиладиган қиз; *bud of promise* – (амер.) жамиятда эндигина танилаётган қиз.

«Интеллект» кўрсаткичи аёл мантиқининг асоссизлигини кўрсатувчи фразеологизмларда акс этади: *аёлларнинг сочи узуну, ақли калта*; *dumb Dora* – (амер.сл.) аҳмоқ қиз; *bess o'Bedlam* – тентак, ақсиз аёл.

Диссертацияда Oxford Dictionary of English Idioms ва М. Содиқова томонидан тузилган “Ўзбекча-русча фразеологик луғат”да қайд этилган гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг статистик таҳлили бажарилди. Таҳлил натижалари қуйидаги жадвалларда тасвирланган (жадвал 1, 2, 3).


Жадвал 1.

Аёл ва эркакларни тавсифловчи фразеологик бирликларнинг миқдорий кўрсаткичлари

Фразеологик бирликлар (ФБ)	Бирликлар сони	Ҳоиз
ФБларнинг умумий сони	30.000	100 %
Гендер кўрсаткичли ФБларнинг сони	2472	8,3 %
Эркакларни тавсифловчи ФБ	1682	5,6 %
Аёлларни тавсифловчи ФБ	790	2,7 %

Эркак ва аёлларни тавсифловчи инглиз ФБларнинг таркибий кўрсаткичларга нисбатан қиёсланиши

Параметр	Эркакларни тавсифловчи ФБ	Фоиз	Аёлларни тавсифловчи ФБ	Фоиз
Ташқи қиёфа	135	8 %	95	12 %
Ёш	202	12 %	79	10 %
Оилавий мавқе	235	14 %	118	15 %
Ижтимоий мақом	252	15 %	56	7 %
Характер	488	29 %	229	29 %
Хулқ-атвор	219	13 %	166	21 %
Интеллект	151	9 %	47	6 %
Жами	1682	100 %	790	100 %



Расм 1. Маълум параметрларга биноан эркак ва аёлларни тавсифловчи фразеологизмлар

Расмдан кўринадикки, гендер концепти шаклланишида энг кўп мурожаат қилинадиган кўрсаткич инсон характериدير. Эркаклар ташқи қиёфаси, ёши, оилавий мақомини тавсифловчи фразеологизмлар сони аёллар хислатларини акс эттирувчиларга нисбатан анча кўп. «Хулқ-атвор» параметри эркак ва аёллар тавсифида қарийб бир хил даражада. Интеллект кўрсаткичи эса аёлларга нисбатан эркаклар тавсифида икки марта кўп учрайди. Шунингдек, ижтимоий мақомга эркаклар тавсифида уч марта кўп

муурожаат қилинади. Буларнинг барчаси олам фразеологик манзарасининг андроцентрик кўринишга эга эканлигини исботлаш учун хизмат қилади.

Жадвал 3.

Ўзбек тилидаги гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг маълум параметрлар бўйича тақсимооти

Параметр	ФБлар сони	Фоиз
Ўзбек тили гендер кўрсаткичли фразеологизмлари	661	100 %
Ташқи қиёфа	74	11,2 %
Ёш	43	6,5 %
Характер	229	34,7 %
Оилавий мавқе	117	17,7 %
Ижтимоий мақом	78	11,8 %
Хулқ-атвор	32	4,8 %
Интеллект	88	13,3 %

Оила эркаклар ва аёллар ўртасидаги гендер ва ўзаро муносабатлараро ҳолатини белгиловчи муҳим ижтимоий ҳодисадир. Қон-қариндошлик терминлари тизимида *mother* «она» ва *father* «ота» лексемалари таянч бирликлардир.¹⁸ Ўзбек тилида ушбу маъно *ота* ва *она* лексемалари воситасида ифодаланиб, улар иштирокидаги фразеологизмлар оилавий муносабатларни тасвирлаш учун кенг кўламда қўлланилади: *отасига тортди* (ёки *отасининг боласи*) – у отасига ўхшайди, у отасининг ўзгинаси; *by* (ёки *on*) *the father's* (ёки *paternal*) *side* – ота томонидан; *like father, like son* – олма олма дарахтининг тагига тушади. Инглиз тилида *mother* (*mummy*) компонентли тузилмалар кўп, қизиғи шундаки, баъзан ушбу лексема кўчма маънога эга бўлади: *mother of pearl* – садаф; *mother's mark* – туғма доғ, хол. Ўзбек фразеологиясида ҳам *она* компонентли тузилмалар тез-тез учрайди: *онаи зор* – фарзандларини соғинган она; *онани яратмасин* – болалар ҳақида энг кўп қайғурадиган она. Ўзбек фразеологик тизимида «она» ва «сут» компонентларининг бирикиши миллий-маданий колоритни кучайтиради: *она сутини оқламоқ* – она тарбияси ва ишончини оқламоқ; *берган сутимга розиман* – тарбиямни оқлаганинг учун сендан розиман; *оқ сут берган (она)* – кўкрак сутини бериб боққан она. Мазкур мисолларнинг инглизча муқобилларини топишга қийналдик.

¹⁸Дзибель Г.В. Термин родства и система терминов родства: лингвистический контекст в отношении к этнографическому // Алгебра родства. Вып. 2. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 95.

ХУЛОСА

1. Фразеологик бирликларнинг гендер тадқиқи жамиятнинг эркак ва аёлларга муносабатини белгиловчи маданий, тарихий ва ижтимоий омилларни ажратишга имкон беради. Шу йўсинда фразеологиянинг тил эгаларининг бой маданият ва тарихий қадриятлари ҳақидаги ахборотни акс эттирувчи луғат захирасининг алоҳида ҳудуди эканлиги исботланди. Фразеологик тизимнинг гендер нуктаи назаридан тадқиқ қилиниши натижасида инглиз ва ўзбек жамоаларида кечадиган ижтимоий, маданий ва рухий жараёнлар механизмлари фарқланди ҳамда ижтимоий-маданий меъёрларнинг олам фразеологик манзарасида гендер стереотипларининг шаклланишига таъсир даражаси белгиланди.

2. «Гендер» тушунчаси ижтимоий характерга эга бўлиб, эркак ва аёл стереотипларининг воқеланишини акс эттиради. Гендер маданий, психологик, ижтимоий меъёрлар тўқнашувида ҳосил бўладиган ҳодиса сифатида намоён бўлиши, фразеологик бирлик эса тил эгалари ҳақидаги социомаданий ахборотни етказувчи восита хизматини ўташи маълум бўлди. Шу аснода, жамиятнинг эркак ва аёлларга нисбатан муносабатини акс эттирувчи инглиз ва ўзбек маданий концептлари қаторидан ўрин эгаллайдиган гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар танлови асосланди.

3. Гендер стереотиплари инглиз ва ўзбек фразеологияси доирасида эркак ва аёл шахсига оид тасаввурларнинг маданий ва ижтимоий хусусиятларини намоён қилади. Ушбу стереотипларнинг жисмоний, физиологик, рухий, интеллектуал ва шахсий хусусиятлар билан фарқланиши исботланди.

4. Инглиз ва ўзбек тилларидаги махсус луғатларда қайд этилган гендер кўрсаткичли фразеологизмлар статистик таҳлилга тортилди. Инглиз тили идиомалар луғатида 2472та гендер кўрсаткичли фразеологизмлар аниқланди, ўзбек тили фразеологияси луғатида эса 661та бирлик ажратилди. Бундай тафовутнинг мавжудлиги ҳеч вақт ўзбек идиомалари захирасининг камбағаллигидан далолат бермайди. Бунинг сабаби ўзбек фразеологиясининг бойлигини тўлиқ акс эттирувчи луғатнинг шу пайтгача яратилмаганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, ишда 200дан ортиқ гендер кўрсаткичли паремиологик бирлик ҳам таҳлил қилиниб, улар гендер концептларнинг миллий-маданий ва ижтимоий хусусиятларини намоён қилиши далилланди.

5. Гендер компонентлар ифодасининг икки усули, яъни эксплицит ва имплицит усуллар мавжудлиги аниқланди. Инглиз тили гендер кўрсаткичли фразеологизмларининг 80 % да гендер компонент эксплицит ифодаланган, улар от ёки олмош воситасида эркак ёки аёл жинсига мансубликка ишора қилади: *Nick, Али* (эркаклар исми), *Mary, Санам* (аёллар исми), *brother* – ака ёки ука, *ака, nurse* – энага, *қиз, he* – у (эркак киши), *her* – унинг (аёл кишининг) кабилар. Гендер маъносининг имплицит ёки тагмаъноли ифодаси таркибдаги бирликлар маъносининг силжишига асосланган: *old trout* – қари тошбақа, кампир; *red coat* – қизил камзул, инглиз аскарлари; *юрагида ёли бор* – довюрак, кўркмас йигит, ҳақиқий эркак; *боши қоронғи* – ҳомиладор аёл (ҳомиладорликнинг дастлабки давридаги ҳолат).

6. Фразеологизм таркибида гендер компоненти воситасида ҳосил бўладиган семантиканинг тўрт тури ажратилди: 1) гендер маъносини бевосита воқелантирувчи денотатив семантика; 2) қарама-қарши жинс денотатига тегишли гендер маъносини воқелантирувчи зидланувчан семантика; 3) тағмаъноли гендер компонентининг метафорик кўчимига асосланган кўчма маъно; 4) фразеологик бирликда мавжуд бўлган гендер маъносини нейтраллаштирувчи семантика.

7. «Эркак» ва «аёл» концептларининг маълум гуруҳдаги кўрсаткичлар асосида шаклланиши тасвирланди. Булар қаторига ёш, ташқи қиёфа, жисмоний ҳолат, ижтимоий мақом, оилавий мавқе, меҳнат фаолияти, интеллект, ақлий қобилият ҳамда хулқ-атвор ва ҳаёт тарзи кабилар киради. Санаб ўтилган кўрсаткичлар батафсил ёритилган ва мисоллар воситасида исботланган. Бажарилган чоғиштирма таҳлил асосида гендер концептларининг тиллараро муносабатлари ўрганилиб, гендер концепти шаклланишнинг миллий-маданий омиллари аниқланди ҳамда ушбу жараёнда нолисоний омиллар ва жамоа тарихий тараққиёти муҳитининг роли муҳимлиги исботланди.

8. Қон-қариндошлик муносабатларини акс эттирувчи гендер кўрсаткичли фразеологизмлар тадқиқи жараёнида аёл ва эркакларнинг кўйидаги гендер роллари аниқланди: 1) ота вазифасидаги эркак; 2) она вазифасидаги аёл; 3) ўғил вазифасидаги эркак; 4) қиз вазифасидаги аёл; 5) ака/ука вазифасидаги эркак; 6) опа/сингил вазифасидаги аёл; 7) узоқ қариндошлик муносабатидаги аёл ва эркак. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида *mother/она*, *father/ота (надап)*, *brother/ака (ука)*, *sister/она (сингил)*, *uncle/амаки (тоға)*, *aunt/амма (хола)*, *cousin*, *келин* каби компонентларга эга фразеологизмлар таснифланди.

9. Фразеологизмларнинг когнитив-концептуал таҳлили натижасида гендер концептуаллашувнинг уч босқичи фарқланди: 1) гендер кўрсаткичли компонентни ФБ мазмунида ажратувчи семантик босқич; 2) ФБ таркибида гендер маъно воқеланиши билан боғлиқ тасаввурий идрокни ҳосил қилувчи ассоциатив босқич; 3) эркак ва аёл тавсифида маълум бир концептни яратувчи экстралингвистик билимларга асосланган концептуал босқич.

10. Инглиз фразеологиясидан ўрин олган эркак ва аёл образларини бошқа тилларда ифодалашнинг самарали усуллари аниқланган ва гендер кўрсаткичли фразеологизмларнинг ўзбек ҳамда рус тилларидаги муқобиллари танланган. Бунинг натижаси ўлароқ, “Инглиз-рус-ўзбек гендер белгили фразеологик бирликлар луғати” тузилиб, нашр қилинган.

11. Гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар ва мақолларнинг ҳар томонлама таҳлили уларнинг инглиз ва ўзбек тилларининг маданий концепти сифатида вазифа бажаришини тасдиқлади. Ушбу концептлар моҳияти гендер компонентларнинг иккала тил соҳибларининг ижтимоий-маданий тажрибаси ва билимлар захирасидан фойдаланиши негизида когнитив фаоллашуви орқали очилади.

12. Мазкур тадқиқот босқичма-босқич таҳлил моделида бажарилган: илк босқичда гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларни танлаб олиш

мезонлари шакллантирилган. Иккинчи босқичда ушбу мезонлар татбиқи жараёнида гендер кўрсаткичли фразеологизмлар семантик, когнитив, лингвомаданий, мавзувий тамойиллар асосида гуруҳларга бўлинган. Ушбу тамойилларга кўра қуйидаги гуруҳлар ажратилган: 1) семантик кўрсаткичларга нисбатан денотатив, қарама-қарши, кўчма ва нейтраллаштирувчи семантикалари фарқланган; 2) когнитив тамойил татбиқида концепт-схема, сиймо, тушунча, тафаккур тасвирлари, фреймлар, сценарийлар ва гендер метафоралари ажратилган; 3) лингвомаданий тамойил замирида инглиз ва ўзбек гендер бўёқли фразеологизмлари билим структуралари нуқтаи назаридан таснифланиб, диний билим, тарихий ва кундалик ҳаётга оид билим, мифологик ва адабиётга оид билим, жуғрофий билим структурасига эга фразеологик бирликлар тавсифланган; 4) инглиз ва ўзбек тиллари гендер кўрсаткичли фразеологизмлари тематик хусусиятларига кўра ташқи қиёфани, ёшни, характерни, оилавий мақомни, ижтимоий мақомни, ҳаёт тарзини, интеллектни қайд этувчиларга ажратилган. Навбатдаги босқичда таркибида атоқли ва турдош отлар иштирок қилган фразеологизмлар компонент таҳлилига тортилиб, алоҳида гуруҳларга тақсимланган (антропометрик лексемалар, атоқли ва турдош отлар, қариндошлик терминлари, агентив отлар). Тўртинчи босқичда эркак ва аёл оилада бажарадиган ролларнинг фразеологик тизимда лисоний воқеланиш белгилари ўрганилиб, тадқиқ қилинаётган тилларнинг бу борада ўзига хослиги аниқланган. Бешинчи босқичда гендер концептининг инглиз ва ўзбек фразеологизмларида фаоллашувидаги ўхшашлик ва тафовутлар аниқланиб, уларнинг изоморф ва алломорф хусусиятларга эгаллиги изоҳланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Fil.01.10 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ, АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

НАСРУЛЛАЕВА НАФИСА ЗАФАРОВНА

**ФОРМИРОВАНИЕ ГЕНДЕРНЫХ КОНЦЕПТОВ
В АНГЛИЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ
КАРТИНАХ МИРА**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.DSc/Fil31.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (nuu.md.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Официальные оппоненты:

Маматов Абдимурод Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор

Рахимов Ганишер Худойкулович
доктор филологических наук, доцент

Сюй Хун
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.26.04.2018.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана, Самаркандском государственном институте иностранных языков, Андижанском государственном университете. Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Фароби, дом 400.Тел: (99871)246-08-62; (99871)227-10-59; факс: (99871)246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Национальный университет Узбекистана, факультет зарубежной филологии (этаж 1, аудитория 112).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за номером № ____). Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Фароби, дом 400. Тел: (+99871)246-08-62.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2018 года).

А.Г. Шереметьева

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, док. филол. наук, профессор

Ш.О. Назирова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, канд. филол. н., доцент

И.А. Сиддикова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, док. филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Гендерные исследования фразеологических единиц, использование лингвистических средств в зависимости от принадлежности к тому или ному полу, отражение национальной специфики гендерных концептов в языке являются важными задачами мировой лингвистики. Актуальным представляется анализ гендерных концептов в разносистемных языках по составляющим их параметрам (возраст, внешность, семейный статус, социальный статус, образ жизни, черты характера и интеллектуальные способности); определение границ воздействия механизмов гендерной концептуализации на этот процесс; выявление языковых (лексико-грамматических) и неязыковых (этнокультурных, историко-этимологических) факторов, влияющих на формирование гендерных концептов.

В настоящее время в ведущих мировых научных центрах проводятся широкомасштабные исследования в рамках современных аспектов, в том числе когнитивной лингвистики, лингвокультурологии, языковой картины мира, сопоставительной лингвистики и межкультурной коммуникации. Особое внимание уделяется проблемам коммуникативного поведения мужчин и женщин в процессе общения, определения роли речи людей в выявлении гендерных отношений, разработки научно-методологической базы сопоставительного изучения гендерно окрашенных единиц разных языков, исследования этого явления с опорой на воображение человека и национальный менталитет.

Научно-практические исследования гендерных особенностей языковых единиц приобрели особую актуальность в Узбекистане в годы независимости, ибо половое равенство и обеспечение равноправия между мужчинами и женщинами стали приоритетными задачами государственной политики. Отношения между людьми отражаются в языковых единицах и речевой деятельности. Таким же образом в языке, являющимся важным носителем информации, отражаются гендерные показатели, национально-культурные установки и закономерности определённого общества. Фразеология же является неотъемлемой частью национальной культуры, отражающей богатый потенциал языка. Сопоставительное исследование фразеологического материала английского и узбекского языков позволит раскрыть и показать народам мира нашу богатую национальную культуру и высокую гуманность, заложенную в узбекской фразеологии, тем самым продвигая подобное фундаментальное исследование на мировой уровень. Как отметил Президент нашего государства Ш.М. Мирзиёев, «не случайным является достижение положительных результатов в сфере науки именно в рамках фундаментальных исследований».¹ Намеченные задачи в осуществлении этого процесса требуют сравнительного анализа факторов

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 171.

формирования гендерных концептов на материале английской и узбекской фразеологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в ряде нормативно-правовых актов, таких как Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года и другие нормативно-правовые документы, касающиеся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на изучение разнообразных проблем в сфере гендерной лингвистики, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: Cambridge University, Oxford University, Edinburgh University, London Metropolitan University (Великобритания); Harvard University, New York University, Yale University, Stanford University, Rutgers University, Chicago University (США); Toronto University (Канада); Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Московском государственном университете, Московском государственном лингвистическом университете, Санкт-Петербургском государственном университете (Россия); Национальном университете Узбекистана, Узбекском государственном университете мировых языков, Самаркандском государственном институте иностранных языков (Узбекистан).

В результате гендерных исследований, проведенных в мире, получены научные результаты, в том числе: обосновано доминирование андроцентричности и ущербности образа женщины в языковой картине мира

²Обзор осуществлён на основе следующих источников: <http://www.edu.uz>; britishcouncil.org; internauka.ru; educationusa.info; philology.ru; rusnauka.com; americanenglish.state.gov и др.

(New York University, США), определена взаимосвязь гендера и грамматики в формировании структур предложений и актуализации морфологических категорий (Yale University, США); выявлена функция гендера в коммуникативных отношениях (Toronto University, Канада); разработаны основы феминистской лингвистики на лексическом уровне языка (Chicago University, США); определены основные этапы и динамика развития гендерной лингвистики (Oxford University, Великобритания); выявлена роль гендерных отношений в обществе (Rutgers University, США); раскрыта сущность гендерных маркеров в языковых единицах (Cambridge University, Великобритания); доказана роль гендера как основного фактора коммуникации (Московский государственный лингвистический университет, Россия); разработана методика моделирования и наблюдения речевого поведения коммуникантов в зависимости от их пола и возраста (Санкт-Петербургский государственный университет, Россия); определены лингвистические и экстралингвистические факторы образования гендерных терминов (Национальный университет Узбекистана, Узбекистан); раскрыта сущность процесса формирования гендерных концептов на материале английской и узбекской фразеологии (Самаркандский государственный институт иностранных языков, Узбекистан).

В мире в рамках функционирования гендерных средств в системе языка продолжают осуществляться приоритетные исследования, в том числе внедрение лексико-семантической и тематической классификаций гендерных терминов в общее языкознание; изучение гендерного фактора речевой коммуникации с психолингвистической и социолингвистической точек зрения; определение влияния пола на выбор языковых средств и различие их условных критерий; сравнительно-сопоставительный анализ культурологических особенностей гендерно маркированных единиц в разносистемных языках; определение и наблюдение гендерных особенностей в выборе стилистических средств в художественном произведении, а также обогащение словарного запаса английского языка за счёт появления новых терминов-профессионализмов с гендерной индексацией.

Степень изученности проблемы. Работа Р. Лакофф³, обосновавшая андроцентричность (ориентированность на мужчину и ущербность образа женщины в языковой картине мира), дала толчок развитию гендерных исследований, среди которых важными считаются работы Е. Baron Dennis, Biemans Monique, Cameron Deborah, Christie Christine, King Ruth, Lakoff George, O'Barr William and Atkins Bowman, S.Romaine, D.Tannen, Thorne Barrie⁴.

³Lakoff Robin. *Language and Woman's Place*. – New York: Harper and Row, 1975. – 372 p.

⁴Baron Dennis E. *Grammar and Gender*. – New Haven: Yale University Press, 1986. – 212 p.; Biemans Monique. *Gender Variation in Voice Quality*. – Utrecht: LOT, 2000. – 175 p.; Cameron Deborah. *Gender, language and discourse: a review essay*. // *Journal of Women in Culture and Society*, 1998. – № 23. – P. 945-973; Christie Christine. *Gender and Language: Towards a Feminist Pragmatics*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2000. – 386 p.; King Ruth (ed.) *Talking Gender: A Guide to Nonsexist Communication*. – Toronto: Copp Clark Pitman, 1991. – 324 p.; Lakoff George. *Women, Fire and Dangerous Things: What Categories Reveal About the Mind*. – Chicago: University of Chicago Press, 1987. – 614 p.; O'Barr William M. and Atkins Bowman K. «Women's

Гендерный фактор в языке исследовался многими русскими лингвистами – гендерологами⁵: О.А. Васьковой, М.Д. Городниковой, Е.И. Горошко, Д.О. Добровольским, И.В. Зыковой, А.В. Кирилиной, В.А. Никольской, В.В. Потаповым, В.Н. Телией, И.И. Халеевой и др., в чьих работах гендер изучался как один из базовых концептов языковой культуры, как фактор выражения особенностей коммуникативной функции языка. В работах Е.И. Горошко применялась методика моделирования и наблюдения, анализ письменных текстов, свободный ассоциативный эксперимент, который показал влияние на речевое поведение не только пола, но и возраста, уровня образования и характера социальной активности испытуемых. Многоуровневая стратегия в лингвистической гендерологии была разработана В.В. Потаповым. Подробный и системный анализ проблем лингвистической гендерологии привел лингвистов Д.О. Добровольского и А.В. Кириллину в их совместном научном труде к выводу о существовании пяти основных направлений, которые могут быть дифференцированы как концептуально, так и с точки зрения методологии и характера изучаемого материала. В.Н. Телия включает в свою монографию раздел, посвященный отражению культурного концепта «женщина» в русской фразеологии. Докторская диссертация А.В. Кирилиной затрагивает проблемы гендерных стереотипов в русской паремиологии.

Проблемы когнитивной и гендерной лингвистики рассматривались в научных исследованиях отечественных учёных-лингвистов⁶:

language» or «powerless language»? – In McConnell-Ginet, Borker and Furman, 1980. – P. 93-110; Romaine S. *Communicating Gender*. – London: Oxford University Press, 1999. – 247 p.; Tannen D. *You just don't understand. Women and men in conversation*. – New York, 1990. – 212 p.

⁵Васькова О.А. Гендер как предмет лексикографического описания (на материале фразеологии). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 21 с.; Городникова М.Д. Гендер в коммуникативной интеракции // *Гендер: язык, культура, коммуникация: Доклады второй Международной конференции*. – Москва: МГУ, 2002. – С.70–76; Горошко Е.И. Особенности мужского и женского стиля письма // *Гендерный фактор в языке и коммуникации: Сб. науч. тр. МГЛУ. Вып. 446*. – Москва, 1999. – С. 44–60; Добровольский Д.О., Кирилина А.В. Феминистская идеология в гендерных исследованиях и критерии ее научности. // *Гендер как интрига познания*. – Москва: Рудомино, 2000. – С.19-35; Зыкова И.В. Гендерный компонент в структуре и семантике фразеологических единиц современного английского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: МГУ, 2002. – 219 с.; Кирилина А.В. Гендерные аспекты языка и коммуникации: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2000. – 40 с.; Никольская В.А. Гендерные асимметрии и стереотипы в английской фразеологии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Н. Новгород, 2005. – 23 с.; Потапов В.В. Современное состояние гендерных исследований в англоязычных странах // *Гендер как интрига познания*, 2000. – №1. – С.94-95; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Наука, 1996. – 334 с.; Халеева И.И. Гендер как интрига познания // *Гендер как интрига познания. Сборник статей*. – Москва, 2000. – С.9-18.

⁶Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // *Linguistics*. – Тошкент, 2010. – С. 17-24; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. – 89 б.; Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2011. – 30 с.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1999. – 24 с.; Эргашева Г.И. *Applied linguistics: Terminology and Translation through gender discourse lens*. – Tashkent: Navruz, 2018. – 154 p.; Атаханова Г. Ш. Номинации «возраст человека» в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале англ. языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2006. – 20 с.; Морозова А.А. Лингвокогнитивное содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд: СамГИИЯ, 2011. – 25 с.

А.А.Абдуазизова, Д.У. Ашуровой, А.Э. Маматова, М.И. Расуловой, Ш.С. Сафарова, Р.Х. Шириновой, У.К. Юсупова, Ж.А. Якубова, И.М. Тухтасинова, Г.И. Эргашевой, Д. Агзамовой, Г.Ш. Атахановой, М.Р. Галиевой, А.А. Морозовой, М.К. Халиковой и др. Г.Ш. Атаханова продемонстрировала концепт «возраст человека» и его национально-культурные особенности на материале английского и узбекского языков. И.М. Тухтасинов подробно изучил лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте на материале английского и узбекского языков. Г.И. Эргашева определила лингвистические и экстралингвистические факторы образования гендерных терминов. А.А. Морозова продемонстрировала формирование и функционирование концептов мужественности и женственности на материале испанского языка. М.К. Халикова исследовала лексико-семантические, грамматические и стилистические особенности в характеристике человека и его менталитета на примере русских и узбекских фразеологических единиц. Несмотря на наличие определённого количества работ, посвящённых лингвокогнитивным и гендерным исследованиям фразеологических единиц, остаются недостаточно изучены следующие проблемы: этимология гендерных компонентов в семантике фразеологических единиц, их исторические, религиозные и национально-культурные особенности; разработка процесса гендерной концептуализации семантики фразеологических единиц, выявление его основных уровней; уточнение критериев отбора гендерно маркированных фразеологизмов; выявление соответствий/несоответствий мужских и женских стереотипов существующим гендерным концептам в английской и узбекской фразеологических картинах мира; подбор узбекских эквивалентов / аналогов гендерно маркированным фразеологизмам английского языка и составление соответствующего словаря гендерно маркированных фразеологических единиц; классификация гендерно маркированных фразеологизмов по когнитивному, семантическому, лингвокультурологическому и тематическому принципам; исследование гендерно маркированных фразеологизмов разносистемных языков в сопоставительном аспекте, выявление их изоморфных и алломорфных характеристик.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Самаркандского государственного института иностранных языков «Создание учебника и учебно-методического комплекса по предмету «Теория и практика перевода» для студентов высших учебных заведений для подготовки их специалистами филологии и переводоведения».

Целью исследования является выявление сущности процесса формирования гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира и определение их универсальных и этноспецифических свойств.

Задачи исследования:

уточнить и дополнить критерии отбора гендерно маркированных фразеологических единиц английского и узбекского языков;

продемонстрировать процесс гендерной концептуализации семантики фразеологических единиц английского и узбекского языков, выявить его основные уровни;

определить этимологию гендерного компонента в структуре фразеологических единиц и раскрыть когнитивно-концептуальные, национально-культурные и историко-этимологические особенности гендера в семантике фразеологических единиц исследуемых языков;

создать классификацию гендерно маркированных фразеологических единиц по семантическим, антропометрическим, когнитивным и лингвокультурологическим признакам;

выделить типы гендерной семантики, актуализируемой в английских и узбекских фразеологических единицах;

выявить сходства и различия (изоморфные и алломорфные характеристики) в актуализации гендерно маркированных фразеологических единиц в английском и узбекском языках;

